

Eurasian Journal
of Humanities and
Social Sciences



The Importance Of Statistical Evaluation In The Management Of The National Tourism Network.

**Tojiyeva Mahliyokhon
Jahongir qizi**

Alfraganus University Faculty of Economics
Associate Professor (PhD) of the Department of Management and
Marketing
makhliyo.tojiev@gmail.com

ABSTRACT

This article describes the role of tourism in the national economy, the factors influencing its development, improving the quality of services, issues and directions of statistical assessment of economic development in tourism.

Keywords:

tourism, quality of services, diversification, sanatoriums, recreation organizations, tourism infrastructure, tourism products, industry competitiveness

Миллий Туризм Тармоғини Бошқаришда Статистик Баҳолашнинг Аҳамияти.

Tojiyeva Maxliyoxon Jahongir qizi
ALFRAGANUS UNIVERSITY Iqtisodiyot fakulteti
Menejment va marketing kafedrasi dosenti (PhD)
makhliyo.tojiev@gmail.com

Аннотация: ушбу мақолада туризм соҳасини миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни, унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, туризм соҳасидаги иқтисодий ривожланишни статистик баҳолаш масалалари ва йўналишлари ёритиб берилган.

Калитли сўзлар: туризм, хизматлар сифати, диверсификациялаш, санатория-курорт муассасалари, дам олиш ташкилотлари, туризм инфратузилмаси, туристик маҳсулот, тармоқнинг рақобатбардошлиги

Аннотация: в статье рассматривается роль туризма в национальной экономике, факторы, влияющие на его развитие, повышение качества услуг, вопросы и направления статистической оценки экономического развития в туризме.

Ключевые слова: туризм, качество услуг, диверсификация, санатории, рекреационные организации, туристическая инфраструктура, туристические продукты, конкурентоспособность отрасли.

КИРИШ

Миллий туризм тармоғини самарали бошқариш ва унинг ривожланишини таъминлаш учун статистик баҳолаш муҳим роль ўйнайди. Статистика туризм тармоғига оид жуда кўп маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни ишлатишга имкон беради. Бу маълумотлар орқали ҳукумат, хусусий сектор ва бошқа манфаатдор томонлар туризмни қандай ривожлантириш, ўзгаришларни қандай режалаштириш ва натижаларни қандай баҳолаш кераклигини аниқлашлари мумкин.

Ҳозирда жаҳонда юз бераётган глобализация жараёнларининг тезлашиб бориши давлатлардан туризм тармоғини ривожлантириш орқали муҳим масалаларни ечиш имкониятини яратишни тақозо этмоқда. Шу жумладан, республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган туризм тармоғини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Жаҳонда туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 10,0 фоизни ташкил этади. Шунингдек, яратилаётган иш ўринларининг ҳар еттинчиси туризм соҳасига тўғри келади[12]. Бутун жаҳон туризм ташкилоти (ББТ) прогнозларига кўра, иқтисодиётнинг бу соҳаси тез суръатлар билан ривожланмоқда ва яқин йиллар ичида у энг муҳим соҳага айланади. Туризм соҳасига инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 30%ни ташкил қилади[13]. Халқаро туризм аҳоли бандлигини таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатади. Халқаро туризм чет эл валютаси келишининг фаол манбаидир ва мамлакат ташқи савдо тўлов балансига, миллий иқтисодиётга таъсир этишдан ташқари халқаро туризм уларнинг ижтимоий, маданий, экологик муҳитига таъсир этади.

БТТ давлатларга туризм салоҳиятини ошириш, янги хизматларни таклиф этиш,

янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритиш, туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар ЯИМдаги улушини ошириш ҳамда туризмнинг рентабеллик соҳалардан бирига айлантириш зарур эканлигини таъкидламоқда. Шунингдек, жаҳонда туризм хизматлари бозори бошқарувини илмий асосда ташкил этиш, ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича тадқиқотларни такомиллаштириш, туристик корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва истиқболларини баҳолашга эътибор кучайтирилмоқда. Туристтик корхоналарда бошқарувнинг инновацион асосда ташкил этилиши бошқарув самарадорлигини таъминлаш, иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни асосий тенденцияларини статистик баҳолаш бугунги кундаги энг муҳим илмий тенденциялардан саналади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хизмат кўрсатиш, хусусан туризм хизматларини бошқариш, уларнинг самарадорлигини статистик баҳолаш борасида хорижий давлатларда бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан Квартальнов В.А[5], Кабушкин Н.И [6], Сенин В.С.[7] ва бошқаларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу олимларнинг тадқиқот ишларида туризмнинг назарий жиҳатлари, ривожланиш тарихи, эволюцияси, босқичлари, тамойиллари ҳамда ҳозирги шароитда туризмни хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги тутган ўрни, туризм инфратузилмаси ва бошқа шу каби масалаларга катта эътибор қаратилган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Норчаев [8], С.Рўзиев [9], О.Хамидов [10], Б.Тўраев [11], ларнинг илмий ишларида ҳам Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш муаммолари ва меҳмондўстлик индустрияси, бошқариш

назарияси ва амалиёти, ҳудудларнинг салоҳияти ва уни ривожлантириш омиллари, бошқариш ва статистик таҳлили масалаларига кенг эътибор қаратилган.

Юқоридаги номлари зикр этилган иқтисодчи олимлар туризм соҳасини бошқариш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, республикада туризм салоҳиятини янада ошириш борасида илмий-назарий жиҳатдан менежмент фанини ривожлантиришга катта илмий ҳисса қўшганлар. Аммо улар туризм индустриясини инновацион бошқариш, ҳудудлар миқёсида туризмни ривожлантириш, туризм хизматлари бозори самарадорлигини ошириш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш каби масалаларни ўз олдига тадқиқот мақсади қилиб қўймаганлар. Шу жиҳатларни ҳисобга олганда, глобаллашув шароитида мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида алоҳида тармоқ сифатида туризм хизматлари бозорини ривожлантириш ва унинг инновацион асосда ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш, бошқарувига таъсир этувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда бошқарув самарадорлигини ошириш, ҳудудлар даражасида туризм хизматлари ва унинг инфратузилмасини тадқиқ этиш долзарб ва муҳим масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада фаолият юритаётган туризм корхона ва микрофирмалари иқтисодий фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда туризм тармоғини ривожланиш ҳолатини статистик таҳлил қилиш ва истиқболли йўналишлари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси мамлакатимизда туризм тармоғини

ривожланиши ва унинг статистик таҳлиliga оид тадқиқотларни ўрганиб чиқиш, мамлакатимиз ҳудудларида туризмни ривожланишидаги муаммолар ва уларни ечимларини ўрганиш, иқтисодий фаолиятини статистик таҳлиlinи амалга ошириш бўйича асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туризм тармоғи фаолиятини кенгайтирилган иқтисодий-статистик таҳлиlinи амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолаш асосида комплекс статистик таҳлиlinи кенгайтиришдан иборат.

Таҳлил ва натижалар


Ўзбекистонда хизматлар соҳасини, хусусан туризм хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан: туризм хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар ва янги талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Ўз навбатида миллий туризм соҳасининг янада ривожланишига ҳамда хорижлик туристлар оқими ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сонининг кўпайиши ҳамда уларда бошқарувнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида [3] кўрсатилганидек, республикада туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришга олиб келадиган ўрта

муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига асосан, шунингдек 2017-2021 йилларда концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Мазкур вазифаларни амалга оширилиши туризм соҳасининг иқтисодиётдаги улушининг ортиши, унинг тезкор ривожланиши ҳамда туристик хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида соҳада қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм тармоғини ривожлантириш, шу жумладан, имкон қадар қулайлик яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорида миллий

туристик маҳсулотни фаол танитиб бориш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги 549-сонли Қонуни қабул қилиниб, унинг доирасида ишлар амалга оширилмоқда[2]. Амалга оширилаётган чора тадбирлар натижасида 2023 йилда туризмнинг ЯИМдаги улуши 2,6 %ни ташкил этди. 2022 йилда бу кўрсаткич 2,4 %ни ташкил этган эди[4].

Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони тўғрисидаги маълумотлар келтирилган (1-расм). Ушбу маълумотлардан кўриш мумкинки, мамлакатимизга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари сони 2022-2023 йилларда (2022 йилга 2021 йилга нисбатан 2 баробар, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 126 %) кескин ошган бўлиб, 2024 йилга келиб, бутун дунёда кузатилаётган пандемия сабабли кескин (22,2 % ёки 2023 йилдагидан 4,5 баробар кам) тушиб кетган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони тўғрисида маълумот, киши[4].


Мамлакатимизда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар сони 2018 йилда 343 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилда 502 тани ташкил этган ва 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 517 тага етган. 2020 йилга келиб эса пандемия сабабли ушбу фаолиятни амалга оширувчи корхоналар сони 337 тани ташкил этган.

1-жадвал

Туристик фаолиятни амалга оширувчи корхоналар ва хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони

	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Туристик фирма ва ташкилотлар сони, бирлик	343	398	337	449	502	517	533
Улар томонидан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сони, минг киши	514,1	560,4	465,4	670	713,2	942,0	212,3
Шу жумладан:							
қабул қилинган	419	421,3	351,0	558,0	613,4	788,8	186,2
жўнатилган	61,2	98,4	80,1	72,5	84,9	128,5	18,6
фақат виза ва хорижий паспортни расмийлаштириш, меҳмонхона ва бошқа яшаш жойларини банд қилиш хизматлари кўрсатилган	33,9	40,7	34,3	38,8	14,9	24,7	7,5

Кузатилаётган пандемия мамлакатимизга ташриф буюрувчилар ва мамлакатимиздан хорижий давлатларга ташриф буюрувчилар оқимларининг кескин камайишига олиб келди. Натижада туризм фойяти билан шуғулланадиган агентликлар ва корхоналар сонинг кескин камайишига сабаб бўлди. Шу муносабат билан, бугунги кунда туризм фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларни сақлаб қолиш мақсадида ички туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



2-расм. Туристик фаолиятни амалга оширган ташкилотлар сони, бирлик[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони туристик фойятни амалга оширувчи корхоналарни қўллаб қувватлашга ёрдам беради.



3-расм. Туристик фаолиятни амалга оширган ташкилотлар сони, бирлик[4].

Юқоридаги расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, йиллар давомида 2014-2023 йилларда туристларга хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, хусусан санатория-курорт муассасалари ва дам олиш ташкилотлари сони ошиш тенденциясига эга бўлган ва 2024 йилда ўтган йилга нисбатан камайган. Професионал театрлар сони 2014-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган ва 2018-2019 йилларда камайган. Музейлар сони эса 2014-2021 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган ва 2019 йилда кескин камайган.

2023 йилда туризм тармоқларида 230464 нафар инсон иш билан банд бўлган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 189229 нафарни ташкил этган. Қуйидаги расмда 2024 йилларда туризм тармоқларида бандларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланишини кўришимиз мумкин. Шу ўринда эслатиб ўтишимиз лозимки, туризм тармоқлари фақат туристларгагина хизмат кўрсатмайди. Шунингдек, улар одатий муҳитдаги фуқароларга ҳам хизмат кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда туризм тармоқлари ва тўғридан-тўғри туризмга хизмат қилувчи тармоқларга ажратилади.



4-расм.Ўзбекистонда 2024 йилда туризм тармоқларида бандларнинг тақсимланиши тўғрисида маълумот, киши

Юқоридаги расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2020 йилда туризм тармоқларидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиш бўйича хизматларида 54101 нафар, қуруқликдаги бошқа йўловчи транспорти хизматларида 50206 нафар ва яшаш бўйича хизматларда 49805 нафар инсон иш билан банд бўлган.

Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича замон талабига мос чора-тадбирлар тизимини шакллантириш учун ушбу соҳанинг мамлакатдаги ҳолати ва унинг мамлакат иқтисодиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида тўлиқ статистик маълумотларга эга бўлиш билан бирга, мазкур кўрсаткичларни бошқа давлатлар билан таққослаш ҳам муҳим аҳамиятга эга [3]. Туризм билан боғлиқ кўрсаткичларнинг қиёсийлиги мамлакатда шакллантирилаётган туризм статистикасининг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган стандартлар тамойилларига мувофиқлиги билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан туризм соҳасини ривожлантириш бўйича

нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган стандартларни ўрганиш ва соҳага оид статистик кўрсаткичларни шакллантириш жараёнида улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий хулоса ва таклифлар баён этилади:

1.Тадқиқот натижалари кўрсатишича, Ўзбекистон Республикасида туристик хизматлар бозорида ҳам муҳим таркибий ўзгаришлар юз бериб, туризм индустрияси ҳозирги кунда тадбиркорлар учун янада жозибали тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Республикада туристик бизнесни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва институционал ривожлантириш талабларидан бири ҳисобланади. Бунда тармоқлараро ва минтақалараро ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантириб, ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

2.Республикада туристик инфратузилма йилдан-йилга такомиллашиб, меҳнат бозорларининг сегменти шаклланиб бормоқда. Туристтик

фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг янги тизимлари яратилмоқда. Ўзбекистон учун туризмнинг ривожланиши айниқса муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур тармоқнинг аҳамиятли томони шундаки, у қисқа муддатда хорижий инвестицияларни жалб этиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарни фаолият кўрсатиши учун қулай муҳит яратиши мумкин. Туристлик бизнес бошқа хўжалик тармоқларни (қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, алоқа ва бошқалар) ривожланишини рағбатлантиради.

3. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, туристик фаолият иштирокчилари мавжуд бўлган ўқитиш ва таълим бериш усуллари ўзгартириб бориши лозим. Чунки, жаҳон хўжалигининг интеграциялашуви ва глобаллашуви кучайиб бораётган бир пайтда туризм соҳасининг олдида янгидан-янги вазифалар қўйилмоқда. Ўзбекистонда туризм соҳаси рақобатбардош бўлиши учун унинг иштирокчилари туризм бозори талабларини қондира олиши керак. Ўзбекистонга келаётган кўпчилик туристлар Ғарбий Европадан эканлигини ҳисобга олган ҳолда муваффақиятга эришиш учун ўқитишнинг меъёрлари халқаро стандартларга мос келиши керак.

4. Туризм соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш, нафақат техник вазифаларни бажарадиган, балки туристик ташкилотларни бошқара оладиган янги авлодни ҳам тарбиялашни тақозо этади. Бундан ташқари маҳаллий туризм бозори иштирокчилари учун тренинглар ўтказиш орқали уларнинг малакасини юксалтира бориб, улар таклиф этаётган хизматлар рақобатбардошлигини ошириш мумкин.

5. Хорижий мутахассисларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда ҳукм сураётган осойишталик, юртимизнинг осори атиқалари, қадимги маданий ёдгорликлари ва гўзал табиати мамлакатга йилига 2,5-3,0 млн.дан ортиқ бўлган туристларни ташриф буюриши учун имкон яратади. Бундай катта ҳажмдаги туристлар оқимини қабул қилиш имкониятига эга бўлган хусусий мулк

шаклидаги отелларни, кемпингларни, меҳмонхоналарни ва шунингдек бошқа ўнлаб туристик базалар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги 549-сонли Қонуни.
3. Макаров М.Ю. Построение модели устойчивого развития туристских территорий (на примере Краснодарского края). Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Сочи 2016 – 33,34 стр.
4. <http://www.stat.uz/>
5. Квартальнов В.А., Романов А.А. Международный туризм: политика развития: Учебное пособие. М., 1998.; Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме: современный опыт управления. М.: Финансы и статистика, 1999.;
6. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма - Минск.: Новое знание, 2002.- 409 с.;
7. Сенин В.С. Организация международного туризма: Учебник.- 2-е изд.- М.: Финансы и статистика, 2005.- 400 с.
8. Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишига таъсири. – Номзод. дисс., 2004.-22 б;
9. Рузиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. – Номзод.дисс. автореф.2009.-21 б;
10. Хамидов О. Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана.

Канд. дисс. автореф, 2006-22 с.

11. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма.-Док.дисс. автореф., 2011.-38 с

12. <http://vawilon.ru/statistika-v-turizme/>

13. www.unvto